



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

6/2022



E-ISSN 2181-1466

9 772181 146004



ISSN 2181-6875

9 772181 687004

@buxdu_uz

@buxdu1

@buxdu1

www.buxdu.uz

6/2022

Жабборов Э.	Махмудхўжа Бехбудийнинг “сарт” сўзи хакидаги карашлари	126
Kaharova I.S.	Morphological features of imitative words in the Uzbek and English languages	130
LITERARY CRITICISM		
Kurbanova Ch.B.	Abdulla Oripov she'riyatida aruz vazni va uning ahamiyati	137
Nasridinova S.U.	O.Henri hikoyalarida yumorning badiiy vazifalari	143
Obidova N.O.	Kortasar hikoyalarida psixologik tahlil	148
Халимова Ф.Р.	Лингвофонетик воситаларнинг прагматик хусусияти (инглиз шеърий матни мисолида)	152
Zaripova D.B.	Huvaydo lirikasida payg'ambarlar obrazi	156
Ахмедова Ш.Н.	Академик Наим Каримов услубига хос мухим қирралар (Ойбек ижоди мисолида)	160
Бокарева М.А.	Пути развития русского реализма рубежа XX-XXI веков: от соцреализма до экзистенционального постреализма	166
Джалилова З.Б.	Инглиз шеъриятида инсон образининг гуллар оркали тасвирланиши	173
Каримова Ш.К.	Замонавий ўзбек шеъриятида поэтик синтаксис унсурларининг уйғун келиши	182
Fayziyeva M.Ch.	Amerika va o'zbek badiiy diskursida sadoqat va xiyonat g'oyalari talqini	189
Қодирова Ф.Ш.	Риторика санъатшунослик дискурси контекстида	194
“NAVOIY GULSHANI”		
Амонова З.Қ.	Изхори ҳамд	198
PHILOSOPHY, LAW AND POLITICAL SCIENCES		
Давидов У.Х.	Миллий-маънавий хавфсизлик ва миллий ўзликни англашнинг ўзига хос сиёсий-мафкуравий хусусиятлари ва эволюцияси	201
Muminkhujaev A.M.	The formation and development of liberal worldview on ideological threats in the context of globalization	207
PEDAGOGICS		
Ҳакимова Н.С.	Бошланғич синф тарбия дарсларида ўқувчиларда ижтимоий-ҳуқуқий компетенцияларини шакллантириш тамойиллари	212

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК СИНТАКСИС УНСУРЛАРИНИНГ УЙГУН КЕЛИШИ

Каримова Шахнозахон Каримовна

Бухоро давлат университети

Ўқитувчиси

(karimovashakhnoz@gmail.com)

Аннотация. Маълумки, шеърятда поэтик фигуралар кенг қўлланилади. Жумладан, мазкур поэтик синтаксис унсурлари шеърда муайян маъноларни ифодалашга хизмат қиладди, бадиий нутққа лирик бўёқ беради, унинг таъсирчанлигини оширади. Мазкур мақолада замонавий ўзбек шеърятдаги поэтик унсурларнинг уйғун келишига шоирлар ижодидан мисоллар келтирилган. Хусусан, кучайтирувчи, пасайтирувчи ва ўзгартирув фигураларнинг шаклларининг ишлатилиши шеърларда ўрганилиб, уларнинг китобхонга бадиий-эстетик завқ бериши ва уларнинг шеърий матн бадиий структурасидаги ритмик-синтактик вазифалари аниқланган. Хусусан, Икром Отамурод, Асқар Маҳкам, Сироджиддин Саййид ва Усмон Азим сингари шоирлар шеърлари мисолида поэтик синтаксис унсурларининг бадиий вазифалари очиб берилган. Умуман, мақолада замонавий ўзбек шеърятда поэтик синтаксис унсурларининг уйғун келиши поэтик фикр такомиллига хизмат қилиши гоёси акс эттирилган.

Таянч тушунчалар: поэтик фигуралар, сукут, эллипсис, анафора, эпифора инверсия, риторик мурожжаат, риторик сўроқ, риторик хитоб, поэтик фикр, поэтик мазмун, лирик қаҳрамон, уйғунлик, шеърий оҳангдорлик, геометрик шакл, фалсафий мазмун.

Аннотация. Известно, что поэтические фигуры широко используются в поэзии. В частности, эти элементы поэтического синтаксиса служат для выражения определенных смыслов в стихотворении, придают лирическую окраску художественной речи, повышают ее действенность. В данной статье представлены примеры гармонии поэтических элементов в современной узбекской поэзии из произведений поэтов. В частности, изучается использование форм усиления, сокращения и видоизменения фигур в стихотворениях, определяется их художественно-эстетическое удовольствие для читателя и их ритмико-синтаксические функции в художественной структуре поэтического текста. В частности, раскрываются художественные функции элементов поэтического синтаксиса на примере стихотворений таких поэтов, как Икрам Атамурод, Асқар Маҳкам, Сироджиддин Саййид и Усман Азим. В целом в статье отражена мысль о том, что гармония фигур поэтического синтаксиса в современной узбекской поэзии служит совершенствованию поэтической мысли.

Опорные понятия: поэтические фигуры, умолчание, эллипсис, анафора, инверсия эпифора, риторическое обращение, риторический вопрос, риторическое восклицание, поэтический смысл, лирический характер, гармония, поэтическая мелодия, геометрическая форма, философское содержание.

Abstract. It is known that poetic figures are widely used in poetry. In particular, these elements of poetic syntax serve to express certain meanings in the poem, give lyrical color to artistic speech, increase its effectiveness. This article presents examples of the harmony of poetic figures in modern Uzbek poetry from the works of poets. In particular, the use of forms of intensifying, reducing and modifying figures in poems is studied, their artistic-aesthetic pleasure to the reader and their rhythmic-syntactic functions in the artistic structure of the poetic text are determined. In particular, the artistic functions of the elements of poetic syntax are revealed on the example of the poems of poets such as Ikram Atamurod, Asqar Mahkam, Sirojiddin Sayyid and Usman Azim. In general, the article reflects the idea that the harmony of elements of poetic syntax in modern Uzbek poetry serves the improvement of poetic thought.

Supporting concepts: poetic figures, silence, ellipsis, anaphora, inversion, epiphora, rhetorical appeal, rhetorical question, rhetorical exclamation, poetic thought, poetic content, lyrical character, harmony, poetic melody, geometric form, philosophical content

LITERARY CRITICISM

Кириш. Замонавий ўзбек шеърини саҳифалари кузатилса, поэтик синтаксиснинг фигуралари уйғун келганлиги кузатилади. Уларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Пасайтирувчи фигуралар сифатида эллипсис ва сукутнинг бирга келиши.
2. Сукут ва инверсиянинг уйғун келиши.
3. Сукут, анафора, эллипсиснинг бирга келиши.
4. Риторик мурожаат, анафора, эллипсиснинг бирга келиши.

Эллипсис ва сукутнинг бирга келиши замонавий шеъринимизнинг таниқли вакили Икром Отамурод ижодида кўп кузатилади:

Сен – ёлғизлик каби жимжит.
 Сен – ёлғизлик каби гўзал...
 Сен – ёлғизлик каби гамгин..
 Сен – ёлғизлик каби ёлғиз...
 Сен – ёлғизлик каби.
 Сен – ёлғизлик...
 Сен – ...

Бунда эллипсиснинг ўзига хос кўриниши қўлланган. Ҳақиқатан, мисрадан мисрага ўтгани сари сўзлар миқдори камайиб борган. Айниқса, бешинчи сатрдан бу аниқ кўзга ташланади. Дарҳақиқат, фалсафий мазмун билан йўғрилган бу мисраларда ёлғизликка шоир таъриф беради. Сен ва ёлғизлик параллел қўйилмоқда. “Сен – ёлғизлик” – эллипсис. Эга ва от-кесимдан тузилган. Айни вақтда бунда антиклимакс бор. Чунки зинапоя шаклида поэтик фикр пасайиб борган. Сўнги сатрда эса сукут қўлланган. Яъни шоирнинг лирик кахрамони – сен – севгили гўзал образини ифода этади. Шу жиҳатдан сукутда маҳзун кайфиятдаги “сен” – маъшукани билдириб келади.

Шеърнинг кейинги банди юқоридаги сатрларга тескари тартиб берилган:

Ёлғизлик – сен каби сукут...
 Ёлғизлик – сен каби хушрўй..
 Ёлғизлик – сен каби маъюс..
 Ёлғизлик – сен каби танҳо...
 Ёлғизлик – сен каби
 Ёлғизлик – сен...
 Ёлғизлик – ... [1,36]

Бунда поэтик фикр эллипсис, сукут орқали таъсирчан ифода этилган. Дастлабки бандда “ёлғизлик” бош сўз бўлиб, асосий маънолар шунга юкланган бўлса, бу бандда эса “сен” етакчилик қилган. Яъни шоир ёлғизлик-сен параллели такрорланган. Шу орқали ёлғизликка сукут, хушрўй, маъюс, танҳо сифатлари орқали муайянлаштирилган. Бунда ҳам антиклимакс қўлланган. Шу таърифлардан сўнг сукут келади. Мисра сўнгидаги кўп нукта ёлғизлик ҳақидаги фикрлар давом этишини билдиради.

Вафо қилмаган шон – вафо, садоқат.
 Қўлдан чиққан омад – ҳимматли нуфуз...
 Инсон ўз-ўзини алдайди факат:
 Ёнида – кадрсиз. Узоқда – афсус... [2,34]

Бу мисралардаги эллипсис ўзга хос. Яъни эга бўлиб келган қисм – “вафо қилмаган шон” биргалликда нима сўроғига жавоб бўлади ва эга бўлиб келади. От-кесим эса уюшиб келган ва маъхум отдан иборат: вафо, садоқат. Кейинги сатр ҳам эллипсиснинг ўзига хос кўриниши ва сукут билан яқун топган. Шоир ҳаёт ҳақида сўзламоқда. Инсоннинг ёнидаги инсонлар кадрсиз, узоқда эса кадрли. Шу ўринда юзага келган эллипсис ҳол ва от-кесим (ёнида – хол, кадрсиз – от-кесим, узоқда – хол, афсус – от-кесим) орасида юзага келган. Кўп нукталар эса инсон ҳаёти, унинг мазмуни ҳақида яна фикр юритиш мумкин, маъносини ифодалаб келади.

Топмадим, эй дилим, эй дил, эй дилим,
 Эй кўнглим, эй кўнглим, девона кўнглим!
 Сен – қайда?.. Мен – қайда?.. Маконинг – қайда?.. [3,3]

Аскар Маҳкамнинг ушбу сатрлари ҳаётини мазмун касб этган. Бобур ғазаллари руҳини, аниқроғи, “Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим, Кўнглимдин ўзга махрами асрор топмадим” сатрларини ёдга солади. Биринчи ва иккинчи мисраларда риторик мурожаат бор: кўнглимга мурожаат қилинган. Охириги сатрда эса эллипсис ва сукут қўлланган: сен, мен, маконинг – эга; “қайда” ҳар учаласи учун от-кесим вазифасини бажариб келади. Айни чоқда, “қайда?” сўроғида риторик сўроқ ва

LITERARY CRITICISM

сукут бор. Бу шоирнинг поэтик синтаксиснинг эллипсис, риторик мурожаат, риторик сўрок, сукут каби унсурларини уйғун қўллаш орқали бадний таъсирчанликка эришилган.

...Менинг юрагимни эзди...
 ...Дилим саҳросида бир ох...
 ...Дилим саҳросида бир...
 ...Дилим саҳросида...
 ...Дилим...[3,4]

Тадқиқот методологияси. Юқоридаги сатрларда пасайтирувчи фигура сифатида қатъ қўлланган. Проф. А.Фитрат таъкидлаганидек, инсонда шундай ҳис-туйғулар, фикр-мулоҳазалар ҳам бўладики, уларни ифодалашда ортикча сўзлаш “фойдасиз бўлганини сезган шоир бирдан сўзини кесадир, ўзининг сўйлашдан ожиз қолганини англатмоқ йўли билан туйғуларининг кучини кўрсатмоқ истайдир. Бунга адабиёт тилида “кесиш” (“қатъ”) дейилади”[4,64]. Яъни ҳар бир мисра боши ва охирида кўп нуқталар келган. Чунки сатрлар оша сўзлар камайиб борган. Шу билан бирга, анафора юзага келган. Шоир калбини вайрон этган изтиробли кечинмалар қатъ ва анафора орқали ифода этилган.

Темурий эсам-да, Мирзо эсам-да,
 мен – банда, мен – банда, мен – банда...
 Ё Раббий, илкимда паймона – тўлдир,
 кўнгилдек лаболаб бўлсин-да, синсин,
 Ё Раббий, тўрт юзу қирк тўрт сўнгагим
 харбаларда сингунча сенга сизгинсин! [4,62]

“Таважжух” дostonидан олинган бу мисраларни Бобур монологлари дейиш мумкин. Бунда эллипсис, сукут, риторик мурожаат, анафора бирга келган. Эллипсис ўзига хос: “мен – банда, мен – банда, мен – банда...” сатрида уюшган ҳолда келган. “Мен” – эга, “банда” – от-кесим. Бунда эллипсиснинг уюшган ҳолда келиши поэтик фикрни таъкидлашга, инсоннинг банда эканлигини яна бир қарра уқтиришга хизмат қилган. Бу – шоир услубининг индивидуаллигини ҳам билдириб туради. “Ё Раббий” бир пайтнинг ўзида ҳам риторик мурожаат, ҳам анафора бўлиб келган. Лирик қахрамон Яратгандан илқи – қўлидаги паймонанинг кўнглидек тўлишини сўрайди.

Топмадим, аъмоли дунлардан дунроқ,
 толеи тундан-да тунроқ, юпунроқ...
 Кўрдимки, борларнинг песи ҳам холдир,
 ўзимдек бир ҳақир топмадим бироқ...
 Топмадим, эй дилим, эй дил, эй дилим,
 Эй кўнглим, эй кўнглим, девона кўнглим!
 Сен – қайда?.. Мен – қайда?.. Маконинг – қайда? [3,4].

Юқоридаги сатрларда анафора, сукут, инверсия, риторик мурожаат бирга келган. Шеър моҳиятан Алишер Навоийнинг “Меҳр кўп кўргуздим аммо меҳрибоне топмадим” газали мазмунига яқин. Лирик қахрамон дунёда ўзидек ҳақир, толеи тундан тун, юпун кишини топмаганлигидан ёзғиради. Айни чоқда сукут орқали бу фикрнинг давомли эканини айтади. “Эй дилим”, “эй дил”, “эй дилим”, “эй кўнглим”, “эй кўнглим” кабилар риторик мурожаат ва такрорнинг ўзига хос кўриниши ҳамдир. Алишер Навоий кўнгилни Каъбага тенглаштиради. Шоирнинг лирик қахрамони кўнгилга мурожаат қилар экан, унинг маконини излайди.

Сен – ёлғизлик каби жимжит.
 Сен – ёлғизлик каби гўзал...
 Сен – ёлғизлик каби гамгин..
 Сен – ёлғизлик каби ёлғиз...
 Сен – ёлғизлик каби.
 Сен – ёлғизлик...
 Сен – ...
 Ёлғизлик – сен каби сукун...
 Ёлғизлик – сен каби хушрўй.
 Ёлғизлик – сен каби маънос..
 Ёлғизлик – сен каби танҳо...
 Ёлғизлик – сен каби
 Ёлғизлик – сен...
 Ёлғизлик – ... [1,36]

LITERARY CRITICISM

Икром Отамуроднинг ушбу сатрларини шеърятдаги геометрик фигура дейиш мумкин. Аввало, анафора бетакрор: ундаги сўзлар сатрдан сатрдан ўтган сайин камайиб боради ва асосий такрорланувчи сўз “сен” қолади. Асосий маъно шунга юкланади. Айни вақтда эллипснинг янги кўриниши юзага келган: анъанавий эллипсда иккинчи даражали бўлақлар тушиб қолади. Бунда эса сатрлар бўйлаб сўзлар камайиб боради ва ўзига хос геометрик шаклни юзага келтиради. Поэтик синтаксис унсурлари ташбеҳ сари йўл очган. “Сен” – лирик қахрамон. У ёлғизлик билан параллел қўйилади ва ёлғизликка хос хуеусиятлар: жимжит, гўзал, ғамгин, сокин кабиларга киёс этилади.

Олислардан келган олис йўл...
Олисларда қолган олис йўл...
Олисларга кетган олис йўл...
Олислардан келган олис умид...
Олисларда қолган олис умид...
Олисларга кетган олис умид... [1,44]

Ҳар бир мисра бошида “олис” сўзи такрорланган. Шу билан бирга банднинг дастлабки уч мисраси сўнгиди “олис йўл”, кейинги уч мисрасида “олис умид” бирикмалари айнан такрорланган. Буларни анафора ва эпифоранинг уйғунлиги деб баҳолаш мумкин. Шеър олисларда қолган ёшлик армонларига йўғрилган. Шоир шу жиҳатдан “олис” сўзига катта маъно юклаган. Сукут эса бу кечинмалар чексиз эканлигини ифодалаб келган.

Сен йўғ эдинг... Келдинг...
Йўл – соғинч... Вақт – соғинч...
Макон – соғинч... Сусамбил...
Кангул – соғинч... Ҳақ – соғинч...
Имкон – соғинч... Ў, таиғ дил... [1,35]

Юкорида таъкидлаганимиздай, “сен” – шоирнинг лирик қахрамони, севгили образи. Бу мисраларда сукут ва эллипс бирга келган. У келгунга қадар ошиқ учун йўл, вақт, макон, кангул, ҳақ, имкон – барчаси соғинч. Дарҳақиқат, эллипсда от-кесимнинг битта сўз (“соғинч”) билан берилиши И.Отамурод услубининг индивидуаллик хуеусиятини намоён этади. Дарҳақиқат, инсон ҳаёти соғинчлардан иборат. Шоир Сусамбилни талмех қилади. Сусамбил афсонавий, тўқис юртни ифода этади. Демак, маъшуканинг макони узок, етиш мушкул бўлган Сусамбил юртида. Шеърнинг деярли ҳамма сатрида сукут қўлланган. Бу ҳам шеърга сиғмаган фикрлар кўплигини билдириб туради.

Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида,
Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафак.
Жоним, қалбим шеърятнинг пичоғида...
Замин – тилсим, осмон – тилсим... шеър – бешафкат! [5,56]

Усмон Азимнинг юкоридаги сатрларида сукут ва эллипс ёнма-ён келган. Унда куз тасвири ва лирик қахрамон кайфияти, руҳияти мувофиқ келган. Дарҳақиқат, шоир бетакрор ташхисларни қўллаган: тонгнинг кеч кузак кучоғида титраши, гулгун шафакнинг юлдузларни ўчириши кабиларда буни кузатиш мумкин. Шоир “шеърятнинг пичоғи” деган янги метафорани қўллайдики, бу шеър унинг қисматига айланганлигини билдириб туради. Унда қўлланган сукут шундай маънони ифодалаган. Сўнгги мисрада эса эллипс уюшган ҳолда келган. Замин, осмон, шеър – эга, тилсим, бешафкат от-кесим. Эътибор берилса от-кесим бўлиб келган сўз от ва сифат туркумига мансуб. Эллипс орқали шоир умр, ҳаёт йўллари тилсим эканлигини таъкидлайди. Бу усул ижодкорни кўпсўзликдан қутқаради.

Оҳиста-оҳиста ёғади ёмғир,
Оҳиста-оҳиста қўзғалар шамол,
Оҳиста-оҳиста тўқар юмшоқ нур
Булутлар бағридан кўринган хилол.
Оҳиста-оҳиста йиғлайди бир қиз,
Каптар патидан ҳам майин дардлари...
–Тун тирик.. Яхшилаб тинглаб кўрсангиз
Эшитилар унинг юрак зарблари... [5,40]

Таҳлил ва натижалар. Табиат тасвири ва лирик қахрамон руҳияти уйғун ифода этилган юкоридаги сатрларда шоир анафора сукут, инверсия бирга қўллаган. Шеърнинг лирик қахрамон ишқдан озорланган қиз. Унинг руҳиятидаги ўзгаришлар табиат манзараларига мос келади. Тун ва қиз параллел образлар сифатида намоён бўлади. Бинобарин, тун дардларни, ғамларни ўз бағрига яширади. Шу жиҳатдан шоир тунни жонлантиради. У инсон каби дард чекади. Дастлабки уч сатрда

LITERARY CRITICISM

“оҳиста-оҳиста” такрор сўзи анафора бўлиб келган. Аслида такрор сўзнинг вазифаси тасвир объектини кучайтиришдир. Анафора шаклида эса бу вазифа яна кенгайган. Равиш туркумига мансуб бу сўз лирик қаҳрамон – қизнинг изтиробли кечинмаларига уйғун. Сўнгги сатр сукут билан интиҳо топади. Яъни “йиғлаётган киз”нинг “каптар патидан майин дардлари”ни фақат тун тинглапти, лекин бу дардлар ниҳоясиз. Сукут шуни ифодалашга хизмат қилган.

Менинг зоҳирим ҳам доҳилим, эй дил,
Келиб тўхтаганим соҳилим, эй дил.
Бу тўкин, серҳосил даҳр боғида
Менинг арзимаган ҳосилим, эй дил. [7,38]

Кўнгил лирикаси намунаси бўлган С.Саййиднинг юқоридаги сатрларида эпифора ва риторик мурожаат бирга қўлланган. Лирик қаҳрамоннинг қалбга мурожаати бўлган “эй дил” бирикмаси айни вақтда эпифора ҳамдир. Дарҳақиқат, шоир кўнгилни зоҳир, соҳил, ҳосилга менгзайди.

Бир йиғит ўсса-ю...

Ҳайкирик сочса:
Оламга, гулларга ва шафакларга,
Баҳор ёмғиридан сўнгги майсалар,
баҳор ёмғиридан сўнгги деразалар,
баҳор ёмғиридан сўнгги дарахтлар,
тиник бўлган каби,
бир йиғит, дили пок бир йиғит ўссаю!..[8,33]

Бунда анафора ва сукут бирга қўлланган. “Баҳор гулларидан сўнгги” бирикмаси банддаги уч мисра бошида такрорланган. Шоир баҳор ёмғиридан сўнгги майса, дераза, дарахт каби тоза, кўнгли пок йиғит ўсиб-улғайишини орзу қилади. Дастлабки ва сўнгги сатрдаги сукут эса шу орзунини рўёбини истаётган лирик қаҳрамонни кўз олдимишга келтиради.

Ўтовда тун.
Чўпон ўрнин
Топар пайпаслаб.
Ўгилчаси кирар титраб
Ўрнига аста...
Кеча – узун. Кеча – чексиз.
Кеча – ғалаён.
Хавотирда фарзандини
Қучоқлар чўпон!
У тўлғонар тишларига
Тишлаб ноласин...
Шамол йиғлар – етим қолган
Бўри боласи... [5,36]

Усмон Азимни юқоридаги шеърда эллипсис, сукут, инверсия уйғун келган. Чўпоннинг ўтовдаги бир туни ифода этилган бу сатрларда инверсия шеърини оҳангдорликни янада кучайтирган. Жумладан, “ўрнин топар пайпаслаб”, “ўгилчаси кирар титраб” сатрларида кесим ҳолдан олдин келган, “фарзандини қучоқлар чўпон” да эса эгадан олдин келган. Дарҳақиқат, тун узун. Шу ўринда шоир эллипсис қўллаган: “кеча – узун”, “кеча – чексиз”, “кеча – ғалаён” кабиларда кечанинг сифатлар берилган. Бунда “кеча” эга, “узун”, “чексиз”, “ғалаён” каби сифатлар от-кесим бўлиб келган.

Эй, менинг мунисгинам,
Меҳрибоним, опагон.
Баланд тоғлар бағрида
Бормисан соғу омон?
Кеча хатингни олиб,
Кўксимга тушди ғулу...
«Усмон, жуда соғиндим,
Сен мени унутдинг-ку...»
Опа, унутганим йўқ,
Кўй, қилмагин имтиҳон.
Муҳаббатим, ҳурматим,
Соғинчим қалбда ниҳон.

LITERARY CRITICISM

Қандай ёдимдан чиқсин
Тепаликлар, далалар... [5,51]

Йироқдаги уканинг опага меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилган “Бойчечак” шеъри шоир риторик мурожаат, сукут, инверсияни бирга қўллаган. “Эй”, “менинг мунисгинам”, “меҳрибоним”, “опажон” сўзлари риторик мурожаат ҳисобланади. Айни чоқда бунда ўзига хослик бор. Сабаби, риторик мурожаат бўлиб келган сўзлар уюшган ва поэтик мазмунни ёркинлаштиришга хизмат қилган. Маълумки, Усмон Азим – Сурхон фарзанди. У узок тоғлар орасида яшаётган опасидан соғинч мактубини олган. Унда узок вақт шаҳар “ғавғоли тинчини ташлаб” опасидан хабар ололмаётган уканинг кечинмалари акс этган. Дарҳақиқат, хатни ўқиган уканинг қалбига ғулу тушади. Шу ўринда сукут бор. Яъни бу ғулу соғинч, оқибат ҳисларига тўйинган. Опанинг хатидан таъсирланган ука – лирик қахрамон соғинч ҳислари қалбида ниҳон эканлигини таъкидлар экан, уни ўстирган тепаликлар, далаларни унутиб бўлмаслигини айтади. Шу ўринда яна сукут қўлланган. Риторик сўроқ билан уйғун келган бу поэтик фикрда “унутмайман” деган қатъийлик бор.

Тўйганмидим шодликни ичиб,
Келганмиди ҳатто ишқ малол,
Айтолмадим: – Азизим, кечир...
Кичқирмадим: – Кетмасанг-чи! Қол! [5,294]

Дастлабки икки мисрада риторик сўроқ бор. Бинобарин, шодликка тўйиб бўлмайдди, ишқ, муҳаббат унга дойиқ бўлган инсонга ҳеч қачон малол келмайдди. Риторик сўроқдан шуни англаш мумкин. “Азизим” – риторик мурожаат, бу сўз суюклини англашиб келган. “Айтолмадим: – Азизим, кечир...” сатрида сукут қўлланган. Кечирим сўраётган ошиқ севгилисига яна нималарнидир аён этмоқчи. Кўп нуқталар шуни ифодалашга хизмат қилган.

Хулоса ва таклифлар. Умуман, олганда, замонавий ўзбек шеърятда поэтик синтаксис унсурларининг уйғун келишига оид таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, сукут – кўп нуқталар фикр давомийлигини, ҳис-кечинмалар чексизлигини, шеърга сизмаган фикрларни, инсоний дардларнинг ниҳоясизлигини, орзулари рўёбини истаётган лирик қахрамон ҳолатини ифодалашга хизмат қилган.

Иккинчидан, эллипсис фалсафий мазмунни кучайтиришга хизмат қилган. Замонавий шеърятда унинг ўзига хос янги кўриниши қўлланган. Мисрадан мисрага ўтгани сари сўзлар миқдори камайиб бориши ва геометрик шаклни ҳосил қилиши, уюшган ҳолда келиши, поэтик фикрни таъкидлаш келиши сингарилар муҳим хусусият сифатида кўзга ташланади. Эллипсис структураси эга+от-кесимдан иборат. От-кесим бўлиб келувчи сўз от ва сифат туркумига мансуб.

Учинчидан, анафора бўлиб келувчи сўзга асосий маънолар юкланади. Бу унсур орқали лирик қахрамоннинг изтиробли кечинмалари ифода этилади. Шу билан бирга такрорлановчи сўзлар миқдорининг сатрдан сатрга ўтгани сайин камайиб бориши ва кўпайиб бориши ҳам замонавий шеърят поэтик синтаксисига хос муҳим хусусият сифатида кўзга ташланади. Шу билан бирга такрорий сўзлар (“оҳиста-оҳиста”)нинг анафора бўлиб келиши тасвир объектини кучайтиришга хизмат қилган.

Тўртинчидан, риторик мурожаат кўпинча суюклига, қалбга қилингани кузатилади. Риторик сўроқлар эса лирик қахрамон руҳиятини ифодалаб келади. Шу билан бирга битта сўзнинг ўзи бир пайтнинг ўзида ҳам риторик мурожаат, ҳам анафора бўлиб келиши замонавий шеърят поэтик синтаксисига хос янгиланиш сифатида кўзга ташланади.

Умуман олганда, замонавий ўзбек шеърятда эллипсис//сукут, сукут//инверсия, сукут//анафора//эллипсис, риторик мурожаат//риторик сўроқ//анафора, эллипсис тарзида поэтик синтаксис унсурларининг уйғун келиши поэтик фикр такомиллигига хизмат қилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. *Отамурод И. Сен. Шеърлар ва дoston. -Т.:Қатортол-Камолот, 1999. –Б.36.*
2. *Отамурод И. Харитага туюлмаган жой. Шеърлар ва дoston. -Т.:“Sharq” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, 2011. –Б.34.*
3. *Асқар Маҳкам. Таважжуҳ. -Т.: Мовароуннаҳр, 1993. –Б.3.*
4. *Fitrat. Tanlangan asarlar. Darslik va o'quv qo'llanmalari, ilmiy maqola va tadqiqotlar. -Т.: Ma'naviyat, 2009. -B.62-63.*
5. *Отамурод И. Сен. Шеърлар ва дoston. -Т.:Қатортол-Камолот, 1999. –Б.36.*
6. *Азим, Усмон. Сайланма: Шеърлар. Т.: Шарқ, 1995. – Б. 56.*